



Ислом Нури

жаннат аҳлининг амалларини қилиб юради, ҳатто у билан жаннат ўртасида бир газгина масофа қолади. Шунда унинг китобида (Аллоҳ таоло унинг дўзахий эканлиги ҳақида азалда ёзиб қўйган тақдири) етиб келиб (яъни ундан ғолиб келиб), дўзах аҳлининг амалини қилиб қўяди-да, дўзахга кириб кетади» (Имом Бухорий ривояти).

«...»

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитганман: «Ҳар бир банда нимада (яъни, қандай амаллар устида) вафот этган бўлса, шунда тирилтирилади» (Имом Муслим ривояти).

Шарҳ:

Инсоннинг ҳаёти ёмон хотима билан якун топиши ва солиҳ бўлмаган амал билан вафот этиб, ўша билан қайта тирилтирилиши энг оғир уқубатлардандир. Шундай экан, мусулмон киши қилиб юрган амаллари билан мағрурланмаслиги, балки Аллоҳ таолодан ҳусни хотима сўраши ва тўғри йўлда собитқадам қилишини тилаб юриши лозим.

Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:

1. Ёмон хотимадан кўрқиш ва унга олиб бориши мумкин бўлган нарсалардан узоқлашиш лозим;
2. Амаллар хотималарга қараб бўлади.